



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Шовот шаҳарчаси, Туркистон кўчаси-73  
Индекс: 221000. Телефон: +9986234-51-364, Faks: +9986234-51-352

2020 йил «31» декабрь

Шовот ш.

№ 2204

Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёномаси тасдиқлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти ўринбосари Ш.О.Азимнинг туман ҳокими номига ёзган хизмат хати ва Шовот тумани Қиёт кишлоғи “Комилжон Отаниёзов” маҳалласида яшовчи, ички ишлар ходими Пиров Икромбой Хаитбоевичнинг Шовот тумани ҳокими номига “Ички ишлар бўлимида хизмат қилиб келганлиги сабабли имтиёзли равишда якка тартибда турар жой қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни” сўраб ёзган аризасини инобатга олиб, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёнини, хулосасини ва бошқа тақдим қилган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Ички ишлар ходимларининг турар жой шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-гадбирлар тўғрисида”ги 444-сонли, 2017 йил 26 сентябрдаги “Ички ишлар органларининг хизмат уй-жойлари фондиди шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 765-сонли қарорларига асосланиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг йиғилиш баёномаси тасдиқлансин.

2. Шовот тумани Қиёт кишлоғи (Комилжон Отаниёзов маҳалласи) қишлоқ хўжалиги ер тархининг 147 қисм контуридан Бош лойиха ҳужжатлари мавжуд ер участкасидан, турар жойни тасдиқланган лойиха асосида қуриш шарти билан ички ишлар ходими Пиров Икромбой Хаитбоевичга якка тартибда турар жой қуриш учун имтиёзли равишда 400.0 квадрат метр ер участкаси белгиланган тартибда ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва туман архитектура ва қурилиш бўлиmlарига фуқаро, ички ишлар ходими Пиров Икромбой Хаитбоевичга имтиёзли равишда ажратилаётган 400.0 квадрат метр ер участкасида якка тартибда турар жой биноси қурилиши учун ер майдонини натурада кўрсатиб, зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Отажанов зиммасига юклансин.

Шовот тумани ҳокими:



Х.Отаханов